Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги **“Мактабгача ҳамда умумтаълим ташкилотлари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги”** 352-сонли Қарори билан Халқ таълими вазирлиги тизими ташкилотларида амалга ошириладиган текширувлар тартибга солинган.

Ушбу Қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ текширишга ваколатли органлар томонидан текшириш ўтказилишидан **камида 10 кун олдин** тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига текшириш ўтказиш тўғрисидаги **буйруқ, текшириш дастури ёки саволномаси** илова қилинган расмий хат юборилиши;

-тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан текшириш ўтказиш ҳақидаги расмий хат олинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ўз тизимидаги умумтаълим муассасаларига **ёзма хат ёки ички электрон ҳужжатлар айланиши тизими орқали хабар берилиши ҳамда текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ, текшириш дастури ёки саволнома** юборилиши;

-шунингдек, ваколатли орган томонидан текширишни ўтказиш учун асос сифатида текширишлар **режа-жадвалидан кўчирма, текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ва текшириш дастури ёки саволномасидан** нусхалар текшириладиган муассасага тақдим қилиниши;

-умумтаълим муассасаси томонидан тақдим этилган текширишларни рўйхатга олиш дафтарини ёки текширишларни рўйхатга олиш дафтарининг электрон шакли тўлдирилиши шартлиги қатъий белгиланган бўлиб, текширишларни рўйхатга олиш дафтарини тўлдиришдан бош тортилган тақдирда **умумтаълим муассасасида текшириш ўтказилишига рухсат берилмаслиги;**

-текшириш натижалари тўғрисидаги **далолатноманинг (маълумотноманинг)** бир нусхаси умумтаълим муассасаси раҳбарига (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсга) ёки тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари вакилига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйдириб топширилиши ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган деб ҳисобланиши **<u>белгиланган.</u>**

Қарорда умумтаълим муассасалари фаолиятини текширишга ваколатли давлат органлари этиб қуйидагилар белгиланган:

1. <u>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари;</u>
2. <u>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари;</u>
3. <u>Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази ва ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари;</u>

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иш билан таъминлаш марказлари;

5. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

6. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

Аммо, таҳлиллар натижасида юқорида қайд қилинган текширишга ваколатли давлат органларидан ташқари **ҳокимият ва бошқа назорат органлари хамда текшириш ўтказишга ваколати бўлмаган ташкилотлар** томонидан Қарор талабларига **зид равишда, қонунга итоат қилмасдан** таълим муассасаларида **жуда кўплаб** текширишлар мунтазам амалга ошириб келинганлиги аниқланди.

Жумладан, вазирлик тизимидаги таълим муассасаларида 2020 ва 2021 йилларда маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда назорат органлари томонидан умумий ҳисобда **45 953** маротаба текширишлар амалга оширилган бўлиб, шундан Қарорда кўрсатиб ўтилган ваколатли органлардан ташқари рухсат этилмаган бошқа орган ва ташкилотлар томонидан амалга оширилган текширишлар **13 562** тани ташкил қилган.

Хусусан, ҳокимият тизими томонидан **3911 та**, адлия органлари **1883 та,** солиқ инспекциялари **526 та**, ССВ ва унинг ҳудудий бўлимлари **1028 та**, мудофаа ишлари бўлимлари **635 та**, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари **109 та**, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари **354 та**, ўсимлик карантини давлат инспекцияси **2027 та**, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари **1468 та**, ҳудудгаз ташкилотлари **744 та** ва электр тармоқлари корхоналари **877** маротаба ноқонуний текширишлар амалга оширилган.

Бундан ташқари, Қарор билан тасдиқланган Низомнинг талабларига риоя қилмасдан, ўзбошимчалик билан амалга оширилган режасиз текширувлар 6 105 тани, текширишларни рўйхатга олиш китобида қайд қилинмаган текширишлар 7 908 тани ва текшириш натижаси бўйича маълумотнома, далолатнома қолдирилмаган текширишлар 8 137 тани ташкил қилган.

Биргина Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида ўтказилган текширишларни олиб қарайдиган бўлсак, 2020 ва 2021 йилларда маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда назорат органлари томонидан умумий ҳисобда **10 185** маротаба текширишлар амалга оширилган бўлиб, шундан Қарорда кўрсатиб ўтилган ваколатли органлардан ташқари бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилган текширишлар **4 652 та**, режасиз амалга оширилган текширувлар **650 та,** текширишларни рўйхатга олиш китобида қайд қилинмаган текширишлар **634 та** ва текшириш натижаси

бўйича маълумотнома ёки далолатнома қолдирилмаганлари **400 та**ни ташкил қилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар)лар халқ таълими бўлимлари мудирлари, мактаб директорлари, шунингдек вазирлик тизимидаги барча ишлаб чиқариш ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги “Мактабгача ҳамда умумтаълим ташкилотлари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 352-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига риоя қилинишига **қатъиятликлари кучайтирилиши, масъулиятлари оширилиши, ҳар бир текширишга келган органлар ва ташкилотлардан қонунга риоя этишларини талаб қилишлари, итоат қилмаганлар тўғрисида ўз вақтида вазирнинг Назорат-ҳуқуқий Хизмати ходимларини хабардор қилишини таъминланиши мақсадга мувофиқдир.**

Ушбу масала жорий йилнинг **28 февраль** куни вазирликда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирокида муҳокама этилиб, тегишли кўрсатмалар берилиб, юқорида кўрсатиб ўтилган буйруғингиз ижроси таъминланганлиги сабабли мазкур топшириқни назоратдан чиқаришга рухсат беришингиз сўралади.

Ахборот тарзида киритилмоқда.